



1889 йил, кимсасиз Мүгул чўли, Бепоён кенгликларда ахён-ахёнда одам яшайдиган кулбалар учрайди. Озик-овкатни етарлича гамламай, узок йўлга енгил-елпи отланган киши бу жойларда жуда кийналади. Дарё сохиидан совук шамол эсади. Гарчи июнь ойи бўлса хам совук шамол суюк-суюккача ўтиб кетади. Отда букчайиб олган бир неча чавандоз Урхун дарёсининг чап сохили бўйлаб кетяпти. Улар кетидан икки от араваларни аранг тортиб бормокда. Араваларнинг бирида оғир касал Н. Ядринцев ётиби. У бошлилик килаётган кичкина экспедиция неча-неча кунлардан бўён Мўгулистоннинг кам ўрганилган районлари ичкарисига тобора кўпроқ кириб бормокда. Кўп нарса планлаштирилган, хаммасига улгуриш керак. Шунинг учун хам Н. Ядринцев шундай оғир йўллардан бормокда...

Экспедиция аъзолари кадимги турк давлати маркази бўлган Коракурум шахри харобаларидан кадимги турк даврига оид жуда кўп материаллар — балбаллар (боши кесик хайкалчалар), турли хайвонлар тасвирини топдилар. Уларни жуда кизиктирган нарса ёзув битилган тошлар бўлди.

Дастлабки топилган битигтошларнинг орка томонида хитойча текст хам бор эди. Бу хитойча текстлардан маълум бўлдики, битигтошлар турк хокони Билга хокон ва унинг укаси, турк давлатининг лашкарбошиси Кул тигин шарафига битилган эди. Аммо битигларни хеч ким ўкий олмади. Узок изланишлардан сўнг даниялик олим В. Томсен 1893 йилда бу ёзувларни ўкишга муваффак бўлди.

Ёдномалардаги воеалар ва шахслар тарихий бўлиб, ўз даврининг барча томонлари—туркий халкларнинг моддий, ижтимоий-сиёсий хаётини камраб олади, шунингдек, ўша даврдаги кабилалар хаётида юз берган жиддий ўзгаришлар, бошка халклар билан муносабатлари ўз аксини топган. Факат шугина эмас. Битигтошлар энг аввало туркий халкларнинг ёзма адабиёти намуналариdir. Битигларда тасвирланган воеаларнинг реал тарихий асослари халк оғзаки ижоди мотивлари заминида бирикиб, ёзма адабиётнинг алоҳида бир турини юзага чикарган. Айникса қаҳрамонлик, ватанпарварлик, гуманистик гояларнинг бош ўринга чикиши алоҳида диккатга сазовардир.

Түнүкүк битиги

Бу битигтош иккинчи турк хоконлигига асос соглан Элтариш хоконнинг маслахатчиси ва саркардаси Тўқюкукка багишлаб 712-716 йилларда ёзилган. Тўнүкүк Копогон ва Билга хоконларнинг хам маслахатчиси бўлган. Тўнүкүк битигини ўзи тириклигига ёздирган. Битигтош Монголиянинг Баин-Цокто манзилидан топилган ва хозир хам ўша ерда сакланади.

Битигда туркийларнинг бир канча душман кабилаларга карши кураши, Тўнүкүкнинг халк олдидаги хизматлари хикоя килинади. Битигда Тўнүкүкнинг хизматлари юксак баҳоланади. Тўнүкүк бутун куч-гайратиии халкни душмандан химоя килишга, унинг галабаси учун сарфлайди. Тўнүкүкнинг донолиги, тадбиркорлиги, жасурлиги кўп галабаларнинг гарови сифатида таъкидланади. Сатрларда баён этилган воеалар Тўнүкүкниг фаолиятини ва унинг турк халкига содиклигини кўрсатади.

Тўнүкүк битиги хам юксак савияда ёзилганлиги учун ва гуманизми, айникса қаҳрамонлик мотивининг асосий ўрин тутганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур битигда халк макол ва маталларининг кўп кўлланиши унинг бадиий ифода имкониятларини кенгайтирган.

ТЎНҮКҮК БИТИГИ

Доно Тўнүкүк—мен ўзим, Табгач давлатида тарбияландим. Турк халки Табгач давлатига бўйсунар эди.

Турк халки ўзининг хони билан хам бўлмай, Табгач хоконлигига кўшилди, хонлик бўлди. Ўз хонини кўйиб, яна Табгач хоконлигига кўшилди. Тангри шундай деган экан: Хон бердим. Хонингни кўйиб таслим бўлдинг. Табгачга таслим бўлгани учун тангри ўл, деган шекилли.

Турк халки ўлди, йўқ бўлди, тугади. Турк сир халки ерида бирорта хам уруг колмади. Ичкарию ташкарида колгани тўпланиб етти юзта бўлди, икки киёми отлик, бир кисми яёв эди. Етти юз кишини уюштирадиган бошлиги шад эди. Унвон ол, деди. Унвон оладигани мен эдим — Билга Тўнүкүк. Хоконни хам кўлга олайин, дедим, сўнгра ўйладим: орик бука ва семиз букани (биров) тезагидан билса, биров семиз бука ва орик букани ажрата олмас эмиш, шундай деб ўйладим. Шундан сўнг Тангри билим бергани учун факат ўзим хоконни кўлга олдим, доно Тўнүкүк, бўйла бага тархан билан Элтариш хокон бирга бўлиб, жанубда Табгачни, Шарқда Хитойни, шимолда ўгузни кўплаб ўлдирди. Алломаси, човуши мен ўзимгина эдим. Чугай кузни ва Коракумни манзил килиб олган эдик. У ерда кийик еб, куён еб тураг эдик. Халкнинг томоги тўқ эди. Душманимиз атрофга канотини етказди. Биз шай эдик, шундай тураг (яшагувчи) эрк ахли. Ўгуздан ўшанда кузатувчи келди.

Кузатувчининг гаплари шундай: Тўкуз ўгуз халки устига бир хокон хукмрон бўлди, дейди. Табгачга Куни Сангунни юборибди, Хитойга Тўнгра Семни юборибди. Уларга шундай гап юборибди: озгина турк халки юрган эмиш. Хокони баходир экан, маслахатчиси аллома экан. Ўша икки киши бор бўлса, сени, Табгачни ўлдиражак, дейман, шимолда Хитойни ўлдиражак, дейман, мени, ўгузни у хам ўлдиражак, дейман. Табгач, сен ўнгдан хужум кил! Хитой, олдиdan хужум кил! Мен чапдан хужум килай. Турк сир халки ерида бошка эга юрмасин. Эпласак, ўша эгани йўқ килайлик, дейман. Ўша гапни эшитиб, тун ухлагим келмади, кундуз ўтиргим келмади. Уйдан сўнг хоконимга илтимос килдим. Шундай илтимос килдим: Табгач, Ўгуз, Хитой — бу учови камал килса, камалда колажакмиз. Унда вужудининг ичи-тошини — молу жонини топширган кишидай бўламиз. Юпка йигин тор-мор килишга осон эмиш, ингичка йигин узишга осон эмиш. Юпка калин бўлса, тор-мор киладиган баходир эмиш. Ингичка йўгон бўлса, узадиган баходир эмиш. Шарқда Хитойдан, жанубда Табгачдан, гарбда Курдамдан, шимолда Ўгуздан химояланиш учун икки-уч минг аскаримиз бор. Бундан бошка келадиганимиз бормиди? Шундай деб илтимос килдим. Хоконим, мен доно Тўнюкүкнинг арзини эшитди. Кўнглингга караб йўл тут,— деди. Кўк ўнгни юкорилаб, Ўтукан йишига томон йўл олдим. Инигак кўл бўйига Тўгладан Ўгуз келди. Уларнинг лашкари уч минг экан, биз икки минг эдик, урушдик, тангри ёрлигади, кочирдик, дарёга тушди. Кочган йўлида яна ўлди. Шундан кейин ўгуз кўплаб таслим бўлиб келди. Мен ўзим турк халкини хам Ўтукан ерига келтирдим. Билга Тўнюкүк Ўтукан ерига кўнибди деб эшитиб, жанубдаги, шимолдаги халк келди. Биз икки минг эдик, икки кўшин бўлди. Турк халки ер юзига ўрнашгандан бери, Турк хокони тахтга ўрнашгандан бери Шантунг шахрига, денгиз, дарёга етмаган эди. Хоконимга арз килиб лашкар тортдим.

Шантунг шахрига, денгиз, дарёга етказдим, йигирма уч шахар маглуб бўлди. Душманнинг уйкуси харом бўлиб, чўл-биёбонда ётиб колди. Табгач хокони душманимиз эди. Ўн ўқ хокони хам душманимиз эди. Ундан ортиқ киргизнинг кудратли хокони душманимиз бўлди, ўша уч хокон маслахатлашиб, Олтин йиш устига талон солайлик депти, шундай маслахат килишибди. Шаркка Турк хоконига лашкар тортайлик депти, унга карши лашкар тортмаса, качон газабланса, у бизни йўқ килади, депти. Хокони баходир экан, маслахатчиси аллома экан, качон газабланса, ўлдирадиган кўринади. Учовимиз ёпирилиб хужум килайлик, уни йўқотайлик депти. Тургаш хокони шундай депти: менинг халким у ерда бўлади. Турк халки яна хаяжонда депти. Ўгузи яна пароканда депти. Ўша гапини эшитиб тунлари уйкум келмас эди, кундузлари ўтиргим келмас эди. Шундай ўйладим: Табгач, ўн ўқ, киргиз хоконига Кўгман тогидан ошиб ўтиб хужум киламиз. Шунинг учун аввал биз лашкар тортайлик дедим.

Кўгман йўли битта экан. Йўлни кор босган деб эштиб, бу йўл билан юрса ярамайди, дедим. Ерчи (ер биладиган киши) суриштиридим. Чўллик аз кабиласидан бир

йигитни топдим. Аз ерини у яхши билар экан, бир манзили бор экан. Ани дарёси билан борилар экан, ўша ерда бир отлиг йўл юриб борилади, деди. Ўша йўл билан юрса имкон бор деб ўйладим. Хоконимга буни айтиб йўшинни йўлга солдим, отлантири!— деб буйрўк бердим.

Ок тармал (хозирги Xua Кэм) дарёсини кечиб ўтиб, кўшинга лагерь куришга ижозат

бердим. Бир оз дам олгач, отланишга буйрук бердим, корни ёриб, юкорига отни етаклаб, ўзимиз яёв юриб, дарахтларга таяниб күшинни чикардим. Олдиндаги йигитлар илгарилаб, ўсимликлар бор довондан ошдик. Ундан кийналиб пастга тушдик. Ун кун давомида биз ёnlама йўллардан юрдик, тўсикни айланиб ўтдик. Ерчи хам янгилишиб, бўгизланди. Хокон хафа бўлиб, отларни чоптиринглар, деди.

Ани дарёсидан борайлик! — дедим. Дарё сувининг куи томонига юрдик. Лашкарни санагани туширдик, отларни ўтга бойладик. Кейин яна йўлга тушдик. Кун хам, тун хам елиб бордик. Киргизни уйкуда босдик. Биз лашкарларимизнинг энгагини (олд кисмини) жангга киритдик. Киргиз хонининг лашкари йигилди. Жанг килдик, санчдик, хоконини ўлдирдик. Бизнинг хоконга киргиз халки таслим бўлди, таъзим килди. Кайтдик. Яна Кўгманни айланиб келдик. Киргиздан кайтганимиздан сўнг, Тургаш хоконидан кузатувчи келди. Гапи шундай: Шарқдан Турк хоконига кўшин тортайлик, кўшин тортмасак, у бизни йўқ килади. Хокони баходир экан, маслахатчиси аллома экан, хар кандай йўл билан бизни ўлдирадиган кўринади, депти. Тургаш хокони йўлга чикибди, деди. Ўн ўк халкнинг хаммаси чикибди, деди. Табгач лашкари хам бор экан, ўша гапни эшитиб, хоконим мен уйга тушайнин, деди. Хотини вафот этган эди. Унинг маросимини ўtkазайнин, деди. Кўшин билан боринг, деди. Олтин йишда ўрнашинг, деди. Лашкарбоши Имол хокон, Тардуш шад борсин деди. Доно Тўньюккка — менга айтди: бу кўшинни олиб бор, деди. Караму газабни кўнглингдагидай кил, мен сенга нима хам дейин, деди. Душман келадиган бўлса, баходир йигитларни йиг ва душманни ўлдир. Келмайдиган бўлса, тил тутиб маълумот олиб тур, деди.

Олтин йишда ўрнашдик. Уч кузатувчи киши келди, гапи бир: Хокони лашкар билан йўлга чиккан, ўн ўк лашкари бекаму кўст чиккан, деди. Йарис даштида йигиламиз, деган. Ўша гапни эшитиб, хоконга у гапни жўнатдим: «Нима ўйлайн!» Гапни олиб кайтиб келди: шу ерда туриң!— деб айтибди. Борма, яхшилаб коровул кўй, душманга бостириб кўйма! — депти. Бугу хокон менга шундай деб айтиб юборибди. Бош лашкарбошига махфий гап юборибди: доно Тўньюкк хушёр, у ўзи билади. Лашкар билан йўлга чикмокчи бўлса, унаманг. У гапни эшитиб, кўшинни йўлга солдим. Олтин йишнинг ўтиб бўлмас жойидан ошдик, Иртиш дарёсининг ўтиб бўлмас жойидан кечиб ўтдик, тунда тўхтамадик. Бўлучуга тонг отганда етиб келдик.

Бизнинг кузатувчиларимиз тил тутиб келтирди. Гапи шундай: Йарис даштида ўн туман лашкар йигилди. Бу гапни эшитиб, беклар хаммаси кайтайлик, покиза уят яхшидир, дедилар. Мен эса шундай деганман, мен доно Тўньюкк: Олтин йишни ошиб келдик, Иртиш дарёсини кечиб келдик. Жангчиларнинг келгани каҳрамон, деганлар. Душман сезмай колди. Тангри, Умай, мукаддас ер-сув душманни босиб берган кўринади. Нега чекинамиз, душманни кўп деб, нега кўркамиз, ўзимизни оз деб. Кани босайлик, хужум килайлик, дедим. Хужум килдик, душманни тор-мор килдик. Иккинчи кун келди. Урушдик. Уларнинг кўшини бизникдан икки каноти ярмича ортиқ эди. Тангри ёрлакагани учун, душман кўп деб биз кўркмадик, жанг килдик. Тардуш шади хам ўн ўк хокони томонда иштирок килди. Уларни хам тор-мор килдик, хокони, йабгуси, шади ўша ерда ўлдирилди. Элликтacha йигитни тутдик ва ўша кечасиёқ хар бирини ўз халкига жўнатдик. У гапни эшитиб, ўн ўк беглари, халки, хаммаси бизга бош эгиб келди. Келган бекларни, халкини суриб, озгина халк кочган эди. Ўн ўк лашкарини жанг килдирдим. Биз хам лашкар тортдик, уни кувдик.

Инжу ўгизни кечиб Тинси ўгли ётадиган Банглигак тогини ошиб ўтиб, Темир дарвозагача кувиб бордик. Ўша ердан кайтардик. Инал хоконга араб ва тухор (арабларнинг иттифокдоши) хужум килди. Ўшанда ажраладиган чоки бор дубулга кийган сўгдок халки хаммаси келди. Ўша куни хужум килди. Турк халки Темир дарвозага, Тинси ўгли ётадиган токка етди. Эгаси йўқ экан. У ерга мен, доно Тўнүкүк ётказиб борганим учун сарик олтин, ок кумуш, киз-жувон, эгри тия, ипак хадсиз келтирдилар. Элтариш хокон доно маслахатчиси бор учун, қаҳрамон бўлгани учун Табгачга карши ўн етти марта уруш килди. Китаниларга карши етти марта уруш килди. Ўгузга карши беш марта уруш килди. Ўшанда маслахатчиси хам менинг ўзим эдим, урушувчи хам мен ўзим эдим. Элтариш хоконга, Турк Бўгу хоконга, Турк Билга хокопга хизмат килдим, тун ухламай, кундуз ўтирмай, кизил конимни тугатиб, кора терим югуртиб, меҳнатни, кучни бердим, ахир, мен ўзим узокларга боскин уюштириб турдим. Кўнгир кўй, ок отни катта килдим. Босиб олишга уринадиган душманни поймол килар эдим. Хоконим билан лашкарлар тортдик, тангри ёрликасин! Бу турк халкига куролли душманни келтирмадим, яловли отни югуртирмадим. Элтариш хокон муваффакият козонмаса, унга кўшилиб мен ўзим муваффакият козонмасам, давлат хам, халк хам йўқ бўладиган эди. Хоконим муваффакият козонгани учун, мен ўзим муваффакият козонганим учун давлат хам давлат бўлди, халк хам халк бўлди, ўзим чол бўлдим, улгайдим. Аллакандай ердаги хоконлик халкка дон сўк бўлса хам, нима гами бўлар эди?!

Турк Билга хокон давлатида бу битигни ёздирдим, Мен Билга Тўнүкүк, Элтариш хокон муваффакият козонмаса эди, у бўлмаса эди, мен ўзим, доно Тўнүкүк, муваффакият козонмасам эди, мен бўлмасам эди, Капа ган хокон бошлиқ Турк сир халки ерида уруг хам, халк хам, киши хам, турк халки ерига хўжайин хам бўлмас эди.

Элтариш хокон ва доно Тўшоқук муваффакият козонгани учун Капаган хокон, Турк сир халки юрган бу давлат яшаб турибди. Турк Билга хокон Турк сир халкини, ўгуз халкини тарбият килиб турибди.